Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1966 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • № 66 (5. 957) • 1986 йил 20 март, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.



# КПСС XXVII съезди қарорларини бажарамиз

## Пешқадамлар сафида

**Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон Компартияси XXI съезди делегати Ҳ. Баҳодиров бошлиқ комплекс бригада аъзолари шу кунларда А. Икромов районига қарашли К—25 кварталида бунёд этилаётган турар жой биноси қурилишида жонбозлик кўрсатиб ишлашмоқда. Бу коллектив бир неча йиллардан бери йиллик план-топшириқларини ортиғи билан адо этиб, «Главташкентстрой»нинг 152-трести 1-қурилиш бошқармаси бригадалари орасида пешқадамлик қилиб келяпти. 27 кишидан ташкил топган бу коллективнинг барча аъзолари турдош касбларни ўзлаштириб олишган.**

**— КПСС XXVII съезди материалларини зўр қизиқиш билан ўрганиб чиқдик, — дейди бригада бошлиғи Х. Баҳодиров.— Шунга кўра келгуси ишларимиз планини режалаштириб олдик. Бунда асосий эътиборни ишда сифат ва тежамкорлик масаласига қаратмоқдамиз.**

**Бунёдкорлар юксак марраларни кўзлаб ишлашяпти. Улар мамлакатимиз коммунистларининг анжумани арафасида икки ойлик планни муддатидан илгари адо этишган эди. Шу кунларда қурувчилар март ойи планини бажариш арафасида туришибди. Коллектив муваффақиятига Х. Самадов, А. Муҳамедов, Ш. Холматов сингари пешқадам қурувчилар муносиб ҳисса қўшишмоқда.**

## Муддатидан олдин

Маиший хизмат бошқармасига қарашли 46-ательенинг бичиқчиси, II ва III-даражали Меҳнат Шуҳрати орденлари кавалери Анатолий Дунаев бошқарма бўйича социалистик мусобақада пешқадамлик қилиб, белгиланган топшириқларни муддатидан илгари бажаришга эришмоқда. У меҳнатни ташкил қилишнинг илғор усулларини ишлаб чиқаришга жорий этиб, кунлик нормасини икки баравар ортиғи билан уддаламоқда.

Ательедаги олий даражадаги мастерлар Л. Азимова, Т. Акромова, В. Свяжина, М. Абелкаримова ҳамда Қ. Сайдуллаев сингари жонкуярлар ҳам илғор ишчидан ибрат олиб меҳнат қилишмоқда. Бу пешқадамлар ойлик план-топшириқларини 115—120 процентдан бажаришга муваффақ бўлишяпти. Бичиқчи А. Дунаев бошчилигида улар бу ерда илғор тажриба мактабини бошқаришмоқда. Натижада бир ойда 2400 сўмлик ўрнига 4500 сўмлик иш бажаришга муваффақ бўлишяпти.

## Илғорлардан ўрнак олиб

**Шаҳар пассажир автотранспорти ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли 7-таксомотр парки коллективи ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йилини зарбдор суръат билан бошлади. Икки ойлик план муддатидан олдин бажарилди. Биринчи квартал планини 26 мартда бажаришга аҳд қилган аҳил коллектив пландан ташқари 100 минг сўмлик хизмат кўрсатишни мўлжалламоқда.**

**Ҳозир парк дарвозасидан ҳар куни аҳоли хизматига 390 та машина чиқарилиб, бу машиналар бир кунда 23 минг сўмлик хизмат кўрсатиб қайтмоқда. Парк территориясини ободонлаштириш ишлари ҳам уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ойлигида корхона территорияси чиқиндилардан тозаланиб, мевали дарахт кўчатлари ўтқазилмоқда.**

**Планларни ҳамиша ортиғи билан бажаришда ва ободончилик ишларида М. Султонов, Н. Амеров, О. Саркисянц, Н. Умеров каби илғор ҳайдовчилар бошқаларга ўрнак бўлишмоқда. Бу азаматлар бугунги кунда апрель ойининг охирги кунлари ҳисобига меҳнат қилишмоқда. Ёшлар илғорлардан ўрнак олишмоқда.**

## Катта экспозиция

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси павильонлари қатор янги экспонатлар билан бойиди. Республикамиз бош виставкасининг «Пахтачилик» павильонида бўлган киши талай янгиликлар билан яқиндан танишади.

Бу ерда яқинда ташкил этилган «Янги районлаштирилган ҳамда истиқболли пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари навлари» деб номланган экспозиция, айниқса кўпчилик эътиборини ўзига тортади. Ана шу навларнинг кўпи Ўзбекистон ССР Ўсимликлар экспериментал биологияси, Бутуниттифоқ пахта селекцияси ва уруғчилиги каби институтлар лаборатория ҳамда тажриба майдонларида ижодкор селекционерлар томонидан яратилган.

Шунингдек, экспозицияда дон, сабзавот-полиз экинларининг серҳосил намуналари ҳам намойиш қилинмоқда.

## Юксак марраларни кўзлаб

Ўзбекистон ССР Мебель ва ёғочни қайта ишлаш саноати министрлигининг Тошкент мебель ойналари фабрикаси ойна цехи ишчилари корхонадаги энг пешқадам коллективлардан саналади. Чунки цех ишчилари бир неча йиллардан бери план-топшириқларни муддатидан илгари сифатли адо этиб, социалистик мусобақада ғолиблик қилишяпти.

— Ўтган йили корхонамиз республика социалистик мусобақасининг 1985 йил ва ўн биринчи беш йиллик якунига кўра Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди, — дейди биз билан суҳбатда цех бошлиғи М. Одилов.— Коллективнинг бу муваффақиятида цехимиз ишчиларининг муносиб улушлари борлигидан фахрланамиз.

Коллектив бу йил ҳам улкан марраларни кўзлаб меҳнат қиляпти.

Цех машъалларидан Ш. Норматова ва М. Икромовалар вақтдан ўзиб ишлашяпти. Улар шу кунларда иккинчи квартал план-топшириқларини бажариш арафасида туришибди.



**Тошкент экскаватор заводи коллективи маҳсулотига бўлган талаб йил сайин ошиб бормоқда. Эндиликда корхона ишчилари томонидан тайёрланган машиналарни республикамизнинг барча бурчакларида учратиш мумкин. Буюртмачилар таҳсинидан мамнун бўлган экскаваторчилар ўз маҳсулотлари турларини кўпайтиришга астойдил ҳаракат қилишяпти.**

**СУРАТДА: завод конвейеридан тушган янги моделдаги экскаваторларни кўриб турибсиз.**

**М. Нуриддинов фотоси.**

## Замондошимиз



**«Инсон ҳақиқий бахтини меҳнатдан топади». Бу сўзларни Зуҳра ёшлигида жуда кўп эшитар, лекин унинг маъносига тўлиқ тушуниб етмас эди. У камол топиб ўнинчи синфни битираётганида бу гапнинг асл моҳиятини англаб олди. Давлат имтиҳони топшираётганида ҳам шу темада эркин иншо ёзди. Шу баҳона меҳнатга ихлоси ортди. Етуклик аттестатини қўлига олиб тўғри шаҳримиздаги мебель ойналари фабрикасига ишга келди.**

**— Ўша кун сира ёдимдан чиқмайди. Мени Зайтуна опа Аҳмедова ўз бригадасига қабул қила туриб коллектив сафига аъзо бўлишим билан қизғин табрикладилар, — деб эслайди З. Абдувалиева.**

**Йўқ. Меҳнатдан бахт топиш Зуҳра ўйлаганчалик осон иш эмас экан. Бунинг учун чинакам куйиб-пишмоқ ва касбга юракдан ихлос қўймоқ лозим экан. Бу фазилатга яна ишчанлик ва ташаббускорлик омухта бўлгандагина кўзлаган мақсадингга эришар экансан.**

**Барча ёш ишчиларда бўлганидек Зуҳра ҳам катта коллективда дастлаб қоқилиб-суқилди. Тушкунлик кайфиятига берилган вақтлари ҳам бўлди. Ҳатто ишхонани тарк этишни ҳам хаёллади. Бироқ Зайтуна опа қизчага ҳамиша тўғри йўлни кўрсатиб турди. Куйинчаклик ва уринчоқлик билан унда меҳнатга чинакам ҳавас уйғотди.**

**— Шу кишининг ёрдамларида корхонадан ўз ўрнимни топиб олдим. Келгусига ишонч билан қарайдиган бўлдим. Бугун кечагидан, эртага бугунгидан кўпроқ ишлашга ҳаракат қилдим, — дейди мураббий ишчи З. Аҳмедовага ўз миннатдорчилигини билдириб Зуҳра.**

**Ҳозир З. Абдувалиева корхона фахри. Унинг бригадаси эса фабрикадаги энг илғор коллективлардан бири. Коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли номга эга бўлган бу ёш ишчи юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилмоқда. У шахсий беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажаришга аҳд қилган.**

**СУРАТДА: Зуҳра Абдувалиева.**

**Т. Каримов фотоси.**

## Янги типдаги мактаб

**Мактаб ислоҳоти талаблари асосида тайёрланган лойиҳалар бўйича янги типдаги билим ўчоқлари бинолари қурила бошланди. Тошкент зонал экспериментал лойиҳалаш илмий-текшириш институти инженер ва архитекторлари қўлидан чиққан лойиҳа яқинда шаҳримизда қад кўтарган ҳашаматли мактаб учун асос бўлди.**

**Пойтахтнинг Фрунзе районида қурилган бу илм-фан даргоҳи 1250 ўқувчига мўлжалланган. Ўқув корпусининг энг муҳим афзаллиги ана шундаки, унда олти ёшли биринчи синф ўқувчиларининг ўқиши, билим олиши, турли ишлар билан машғул бўлиши учун барча қулайликлар муҳайё этилган.**

**Бинодаги бир неча хоналар ана шу синф талабалари ихтиёрига берилган. Ўқув синфлари махсус мебель ва парталар, турли кўргазмали қуроллар билан намунали жиҳозланди. Дарсларни ўйин ва физкультура билан боғлаб олиб бориш мақсадида алоҳида заллар қурилди. Шунингдек, ошхона ва ухлаш хоналари бор.**

**Калинин номи билан аталаётган бу янги 127-мактаб яна қатор афзал томонлари билан ажралиб туради.**

**С. ОДИЛОВА.**

## Украина олқишлади

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ўзбек Давлат филармониясининг Тўхтасин Жалилов номли Ўзбекистон Давлат халқ чолғу асбоблари оркестри шу йилнинг февраль ойида Днепропетровск, Днепродзержинск, Ялта, Мелитополь, Симферополь, Донецк шаҳарларида гастролда бўлди. У партиямизнинг XXVII съездига бағишланди.

Сўнгги олти йил мобайнида оркестр коллективи гўзал Украинанинг жуда кўп шаҳар ва қишлоқларида концертлар берди. Ўзбек санъаткорлари учун украин томошабинларига маданий хизмат кўрсатиш ўзига хос имтиҳон. 1980 йилнинг май ойида Киевда бўлиб ўтган санъат фестивалида қатнашган оркестр ўзбек куй ва қўшиқларини тарғибот қилиб, Украина ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиғи билан тақдирланган эди.

Бу сафарги гастролда ўзбек санъаткорлари ўзбек композиторларининг ватанпарварлик руҳидаги асарларини, қардош ва чет эл халқларининг куй ва қўшиқларини томошабинларга намойиш этдилар. Концерт бастакор Фарҳод Алимовнинг увертюраси билан бошланди. Ўзбек Давлат филармониясининг солисти Шуҳрат Баҳромов эса украинча «Мовий осмон манзараси» қўшиғини ижро этди. Концертда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлардан Баҳром Мавлонов, Мирза Тоиров, шунингдек Бутуниттифоқ ва республика конкурсларининг лауреатлари Шуҳрат Йўлдошев, Тоҳир Собиров, Қаҳрамон Назиров ижро этган куй ва қўшиқлар самимий қарши олинди. Оркестр репертуаридан жаҳон композиторлари Д. Россини, Ж. Бизе, совет бастакорларидан А. Хачатурян, Д. Шостакович, Г. Свиридовларнинг асарлари ҳам муносиб ўрин олган.

Ҳ. ИБРОҲИМОВ.

## Тошкент — янгича анъаналар шаҳри

# 30 март—Хотира куни

### ТАДБИРЛАР МУҲОКАМАСИ

**КЕЧА**

**Тошкент шаҳар партия комитетида Ўзбекистон пойтахтида Хотира кунини ўтказиш бўйича шаҳар штабининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Туркистон комиссарлари қаҳрамонларча ҳалок бўлган, ҳаммамиз учун унутилмас, муқаддас бўлган жойларни абадийлаштириш билан боғлиқ тадбирларнинг бажарилиши ҳақидаги масала муҳокама қилинди.**

**Худди шу жойларда революцион анъаналарнинг давомийлиги рамзи сифатида ёшларни тарбиялашга, янгича маросимлар ва анъаналарни ривожлантиришга ёрдам берувчи турли тадбирлар ўтказилади.**

**Бугунги кунда ўн тўрт Туркистон комиссарининг хотираси абадийлаштирилиши муносабати билан қандай ишлар амалга оширилаётгани ҳақида қуйида эълон қилинаётган материалда ҳикоя қилинади.**

**Саҳифага 100 сатр**

## Халқ меҳри

Революция иши учун қурбон бўлган 14 Туркистон комиссарининг номи бугунги кунда ҳар бир тошкентликка яхши маълум. Улар ҳурмат билан хотирага олинади. 1919 йилда Советларга қарши қўзғолон пайтида ҳалок бўлган ана шу комиссарлар хотирасига жиноят содир бўлган жойда хотира тоши қўйилган эди. Ўшанда бу ерда мемориал ёдгорлик ўрнатиш кўзда тутилганди. «Марказ — 7» кварталидаги Титов кўчасида Хотира куни — 30 мартда ана шу ёдгорликнинг тантанали очилиши бўлади.

— «УзНИИПИреставрация» архитекторларининг фикрича, —дейди лойиҳанинг бош архитектори Я. А. Афанасьев, — ёдгорликнинг марказий қисмида шилдираётган булоқ фонида қизил юлдуз порлаб туради. Ушбу ёдгорлик Туркистон комиссарларига, уларнинг порлоқ истиқбол учун курашига халқ меҳр-муҳаббатининг ифодасидир. Ёдгорликни 110-мактаб пионер ва комсомоллари оталиққа олишди.

Айни пайтда бу ерда ободонлаштириш ишлари қизғин. «Гордорстройремонт» трестининг Виктор Бистров ва Юрий Кавешников бошлиқ мармарчилар бригадалари иш олиб бораяпти. Йўлкаларнинг бетон плиталарини Виктор Хуртов бригадаси ётқизмоқда. Шаҳарни ёритиш идораси ходимлари эса бу ерда ўзига хос чироқларни ўрнатишади. Ёдгорлик ўрнатиладиган майдонда кўкаламзорлаштириш ишлари муваффақиятли давом этяпти. Виктор Ситниченко бошлиқ бригада суғориш шахобчаларини ўрнатиш ишларини ниҳоясига етказмоқда.

**БУГУН**

ёдгорлик майдонида яшил тўсиқлар ўтқазиш ишлари қизитиб юборилди. 2-ремонт-қурилиш бошқармаси ишчилари бу ерда турли гул кўчатларидан иборат яшил зона барпо этмоқда. Ёдгорлик қурилишида ҳаммаси бўлиб салкам 260 минг сўмлик маблағ ўзлаштирилади.

# Маҳалла комитетларининг муаммолари

Маҳалла нима? Бу — ўзаро ёрдам, ҳамкорлик, ташвишга ҳам, қувончга ҳам шерик бўлиш, бир-бирини қўллаб-қувватлаш. Бу коллектив ақл, халқ кучи, совет ҳокимиятининг бошланғич ташкилотидир.

Маҳалла комитетлари ЖЭКлардан фарқли равишда жамоатчилик асосларида ишлашини унутмаслик лозим. Шу нуқтаи назардан маҳалла комитетлари — бу истиқболда халқнинг коммунистик ўз-ўзини бошқаришнинг тимсолидир. КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVII съездига Сиёсий докладида таъкидланадики, социалистик тузум халқнинг ўзи ўз ишларини реал бошқарганида, миллионлаб кишилар сиёсий ҳаётда қатнашгандагина муваффақиятли ривожланади.

Акмал Икромов районида 31 та маҳалла бўлиб, уларда 100 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилмоқда. Улар илгари ўзаро тарқоқ бўлиб, ижобий тажрибани алмашишмасди, уларда ғоявий ва ишчанлик даражаси турлича бўлган кишилар ишларди. Район Советининг ижроия комитети тўрт йил бурун маҳалла комитетлари билан ишловчи Совет ташкил этди. Совет аъзолари этиб соғлиқни сақлаш, маориф, милиция, маданият, савдо ва бошқа органларнинг вакиллари сайландилар.

Биз совет йиғилишларида долзарб, зудлик билан ҳал этилиши лозим бўлган масалаларни кўриб чиқамиз. Масалан, кўчалар ва уйларнинг озодалиги, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигига тайёргарлик кўриш, маҳалла аҳолиси ўртасида ҳуқуқ пропагандаси олиб бориш кабилар кўриб чиқилади.

Совет ишининг самарали формаларидан бири — кўчма мажлислар ўтказилишидир.

Чунончи С. М. Киров номли маҳаллада янгича маросимларнинг турмушга жорий этилиши ҳақидаги масала, Ульянов номли маҳаллада уруш ветеранлари билан ишлаш ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Шунингдек, бу ерда ҳалок бўлган жангчилар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик очилди.

У. Юсупов номли маҳаллада жамоатчилик асосида спорт майдончаси ташкил этилди. Биз бу ерда ўтказилган кўчма мажлисда турар жойларда спортни ривожлантириш масаласини муҳокама қилдик.

Советимизнинг фаолияти партия комитетлари, район ташкилотлари, заводлар, фабрикаларнинг меҳнат коллективлари, ҳамма томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Меҳнат коллективлари ва район ташкилотларининг вакиллари бизга ўзларини қизиқтирган масалалар билан келишади. Масалан, тўқимачилик комбинати филиалларидан бирининг директори маҳаллада яшовчиларни ишга таклиф этар экан, комбинатда яратилган меҳнат ва маиший шароитлар ҳақида гапириб берди.

Ҳозир Акмал Икромов районидаги маҳалла комитетларида қарийб 500 активист ишламоқда. Баъзилар ўйлашадики, пенсионерларнинг бўш вақтлари кўпроқ ва шунинг учун маҳалла комитетларида ишлашлари лозим. Бизнинг тажрибамиз бунинг тескарисини кўрсатди. Қайси маҳаллаларга ёшлар раҳбарлик қила бошлашган бўлса, ўша ердаги иш барча кўрсаткичлар бўйича яхшиланди. Қизиқарли тадбирлар ўтказила бошланди. О. Собирова, С. М. Киров, У. Юсупов номли маҳалла комитетлари бунга мисол бўла олади.

Ҳозирча бизнинг советимиз шаҳарда ягона. Афсуски унинг тажрибаси ўрганилмаган ва ёйилмаган. Фикримизча, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети қошида маҳалла комитетларининг тажрибасини умумлаштириш, шаҳар ва республика раҳбарлари иштирокида семинар машғулотлар ва кенгашлар ўтказиш бўйича координацион марказ тузилса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Бугун мен қалқиб турган ва ҳал этилишини кутаётган масалалар, корхоналар ва турар жойлардаги турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилаш резервлари ҳақида гапириб ўтишни истайман.

Кўпгина корхоналарда кадрлар етишмайди. Исталган маҳаллада қанча оналар кичкинтой фарзандлари билан уйда ўтиришга мажбур бўлишаётганига нима дейсиз? Фикримча, бу муаммони ҳал этишнинг икки йўли бор. Нима учун маҳаллада «Малика» бирлашмасининг филиалларини очиш мумкин эмас? Минглаб аёлларни филиал ишчиси ёки уйга иш олувчи сифатида қўлидан келадиган меҳнатга тортиш мумкин бўлур эди.

С. М. Киров номли маҳаллада ўнлаб аёллар болаларини боғчага жойлаштира олмай уйда ўтиришга мажбур бўлишяпти. Бу ердаги боғча тўлиб-тошган. Унинг территориясида қўшимча хоналар қуриш, боғчани кенгайтириш мумкин. Мана муаммонинг яна бир бошқача ҳал этилиши. Маҳалла комитетларининг ўз ишида ҳам резервлар бор. Гап азалдан одамлар ўзаро мулоқатда бўладиган, ҳордиқ чиқарадиган чойхоналар ишини яхшилаш ҳақида бормоқда. Ҳозир бу иш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Чойхоналарда қизил бурчаклар қолмади, лекция ва сиёсий-тарбиявий ишлар бўшашди. Бизнинг вазифамиз чойхонани турар жойдаги сиёсий-тарбиявий ишлар ўтказиладиган марказга айлантиришдан иборат.

Маҳалла комитетлари — халқ депутатлар район ва шаҳар Советларининг фаол ёрдамчиларидир. Биз уларнинг ёрдами билан ўз ишимиздаги салбий кўринишлар ва камчиликларни бартараф этамиз. Ҳеч шубҳа йўқки, маҳалла комитетларининг фаол, аниқ мақсадга йўналтирилган фаолияти аҳолини партия XXVII съездида қўйилган вазифаларни бажаришга сафарбар этиш, совет турмуш тарзига хос янгича одат ва маросимларни ҳаётга тадбиқ этиб, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишини яхшилаш имконини беради.

**Қ. ФОЗИЛХЎЖАЕВ,**
**Акмал Икромов район Совети ижроия комитети қошидаги маҳалла комитетлари билан ишлаш советининг раиси.**

## Семинар-кенгаш

**БУГУН**

**В. И. Ленин номидаги республика пионер ва ўқувчилар саройида болалар бадиий коллективлари раҳбарларининг республика семинар-кенгаши ўтмоқда.** Уни республика Маданият ва Маориф министрликлари, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети, республика халқ ижоди ва маданий-оқартув ишлари илмий-методик маркази ташкил этишган.

Семинар-кенгаш қатнашчилари болалар бадиий ҳаваскорлигини янада ривожлантириш йўлларини муҳокама қиладилар, энг яхши болалар бадиий ҳаваскорлик коллективларининг иш тажрибаларини, тўгарак ишларининг янги шакл ва усулларини ўрганишади.

## ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА

Тошкентда иситиш мавсуми ниҳоясига етаётгани муносабати билан ва келаси йил иситиш мавсумига пухта тараддуд кўриш мақсадида 1986 йил 20 мартдан 25 мартга қадар турар жойлар марказий иситиш системаси иссиқлик тармоқларининг ҳарорат синови ўтказилади. Бу ҳамма жойда иссиқлик-сув таъминотининг, мактабгача болалар ва даволаш муассасаларида иситишнинг вақтинчалик тўхтатилиши билан боғлиқ.

Шу даврда гражданлар ва муассасаларнинг раҳбарлари иссиқликдан фойдаланадиган ускуналарнинг иши устидан янада диққат билан кузатишлари лозим.

Турмуш чорраҳаларида

# ТОТУВЛИК КАЛИТИ

— Қўйинг опоқи, бир сафар мен ҳам олай, — деди ёниқ бир илтифот билан юзи кулиб турган жувон ва ёнидаги ҳамроҳига билет олди.

Жувоннинг ҳамроҳини мен яхши танирдим, исми — Каромат опа. Кечагина уларнинг хонадонида бўлиб ўтган воқеа кўз олдимга келди: ўшанда опанинг ,қудалари ва маҳалла активлари йиғилишганди. Бунинг боиси фарзандлар тақдирига доир қудалар ўртасидаги жанжални тинчитиш, келин-куёв турмушларига ақл, фаросат билан муносабатда бўлиш, уларга озгина панднасиҳат қилиш эди. Маҳаллаларда бўлиб турадиган бундай воқеаларни, одатда, табаррук отахонлар, онахонлар бир пиёла чой устида яхшилик, ҳалоллик, одиллик ва юмшоқлик билан ҳал этадилар.

Ўриндиқда ўтирибман-у, опага илтифот кўрсатган ҳалиги жувоннинг самимийлигига ва Каромат опанинг ўша йиғилишда ўзларини ғалатироқ тутганларига хаёлим қочди. Очиқ, ёқимли илтифот билан ўринлатилган «бир сафар» ибораси заминида андиша ва одамийлик каби олам-жаҳон маъно борлигини ўйлайман. Каромат опа ҳам буни ўйлармиканлар?!

Ҳа, ўша ўтиришда опага, уларнинг қудаларига, маҳалла активларига, қариндошларга, келин билан куёвга ҳам сўз берилди. Ҳар икки томонга фойдали насиҳатлар айтилди. Келин-куёв — Ғанижон ва Адолатхоннинг бир-бирларига кўнгиллари борлиги, аҳил яшай олишлари, улар ўрталарида ҳеч қандай низонинг асорати йўқлиги ойдинлашди. Фақат қайнсингил Ибодатхоннинг тиҳирлиги: уйни саранжом-саришта тутиш, ошхонадаги юмушларни бажаришда кеннойиси ишларига меъёридан зиёд аралаша бериши воқеалари ўтирганларга эриш туюлди.

Келин билан қайнсингил ўртасидаги икир-чикир гаплар қайнанани ҳушёр тортдирмаганди. Майда гап-сўзлар йириклашиб, кўпайса-кўпайдики, камаймади. Қайнана турмуш қурмаган қизини тиймади, келинига ҳалол ён босиб, улар ораларида авж олаётган асоси йўқ келишмовчиликларга вақтида барҳам бермади. Устига-устак Каромат опа: «Келиним эр томон меҳмонларига қовоқ солади, ўзининг қариндошларини сийлаб кутади, қизимнинг сўзига кирмайди, унга ақл ўргатади, бўйсунмайди, зуғум қилади, маълумотли бўлса менга эмас, ўзига, менга бундай келин керак эмас, бор гапим, жавобим шу, вассалом», деб шахт билан ташқарига чиқиб кетди. Бу энди, ўликни тирилтиришга, тирикка мадор бўлишга қодир маҳалланинг менга зарурати йўқ, эҳтиёж сезмайман деган эди. Меҳмон сифатида ҳозир бўлганларга беписанд, важоҳатли, дағал муомала қаттиқ ботди, ихлосларини қайтарди. Зеро, ўтирган кексалар ва ёшлар бу оиланинг ош-нонини ейиш учун келишмаган эдилар-да!

Шунда қариялардан бири: «Кароматхон қизим, донолар: «Қирқ йиллик тавбадан бир дамлик инсоф аъло!» деганлар, ўзингиз инсофга келинг, қизларингизни инсофга чақиринг, кап-катта одамга такаббурлик ярашмайди, маҳалла иши жонкуярларини бебурд этманг, назардан қолманг. Тилингиз тез экан, тиғ яраси битади, аммо келинингиз номига айтганингиз тил яраси битмайди. Ота-оналар болалар турмушини вайрон қилишни эмас, балки гулистон этишни ўйлашлари керак. Келин ҳам фарзанд, у ёш, турмушда, оила юритишда қоқилиши, қийналиши табиий, арзимаган хатоси учун пашшадан фил ясаманг, қаттиқ ранжитманг. Сиз, она сифатида уни: «Болажоним!» деб ширин сўз қотинг, фарзандларингиз қаторида кўринг, лутф-карамингизни аяманг», дедилар.

Отахоннинг, куёв бўлмишнинг бир қўлда ота-онасини, иккинчи қўлда хотинни ушлаши, улар ораларида аҳил-иноқлик ҳақида, Каромат опага нисбатан эса, қиз боланинг нотаниш хонадонга келин бўлиб тушиши, янги оила тартиб-интизомини ўзлаштириши, катта-кичикларнинг дилларига йўл топа олишининг ўзигина бир жасорат эканлиги хусусидаги сўзлари қулоғимда ҳамон жаранглайди.

Минг афсуски, воқеа, можаро интиҳоси кутганимиздек бўлмади. Маслаҳатимизга кўнган Адолатхон ўша куни келинлик уйида қолганди. Эртасига қайната келинга қарши қайралди. Хизматдан қайтган келин қайната, қайнана, қайнсингил томонидан забт ва зарда билан кутиб олинди: Адолатхоннинг келинлик узуги бармоқдан суғурилди, қилинган тўй пальтоси ечиб олинди. Маҳалланинг табаррук кишилари сўзи ерда қолди...

«Автобусда кетаяпман-у, олдинги бекатда қолган нотаниш, кўҳликкина ўша жувон дилбарлигини ва Каромат опа қайсарлигини, шахсиятпарастлигини хаёлан қиёслайман. Жувон муомаласидаги хайрли, беғубор дилбарликнинг умри боқийлигига ҳавасим келади, инонаман. Шу дилбарлик, шу ибо, шу лутф-карам, шу меҳр-шафқат каби гўзал дид-фаросатларимиз, боқий туйғуларимиз ҳарорати эндигина оила ташвишлари энган ёш келин-куёвларнинг ҳаётини нур бўлиб ёритса, уларга ҳам қўша-қаришликдек улуғ неъматни, бахтни мушарраф этса! Бу борада фарзандлар учун, айниқса ота-оналарнинг сахий, ёниқ меҳр чашмалари, ҳаёт сабоқлари сув билан ҳаводек зарур эканлигини қалбимга туяман.

**Мамасодиқ ҲУСАИНОВ,**
**филология фанлари кандидати.**

## ОИЛА ДАВРАСИДА СУҲБАТЛАР



Тажрибали педагог Саида Раҳимова мана бир неча йилдирки, 12-мактабда математика фанидан дарс бериб келади. Ишбилармон ўқитувчи мунтазам машғулотларнинг қизиқарли ва жонли ўтказилишига ҳаракат қилаётир.

Суратда: математика ўқитувчиси С. Раҳимова дарсда.

Р. Альбеков фотоси.

# ТОШКЕНТ ТОҒИДА ЖЕНЬШЕНЬ МАКОНИ

«Тошкентнинг янги тарихи» («Тарихи жадида-и Тошкент») номли китобида ёзилишига қараганда, женьшеннинг асосан илдиз қисми ишлатилади, тузилиши худди одам шаклида, ранги маржоннинг рангига ўхшаб қизғиш бўлади. Халқ ўртасида «меҳригиё» деб юритилади.

Женьшеннинг аломати шуки, кечаси узоқдан ёруғлик (шуъла) беради, кундузи кўзга кўринмайди. Топиш учун кечаси бориб ёруғ бўлиб кўринадиган гиёҳнинг устига пахта қўйиб келинади, кундуз куни бориб ўша қўйилган пахта орқали топиб оладилар.

«Тарихи жадида-и Тошкент» китобида Тошкент тоғларида женшень ўсимлиги ва кўпгина доривор ўсимликлар борлиги ёзилади, масалан: дармана, кучала, ревант, уннобб, қора қанд, зира, зирк, райҳон каби ўсимликлар ҳақида сўзланади.

Хўжакентлик бир доришуноснинг тоғдан женьшень топиб олиб келишига қараганда, ўша атрофдаги тоғларда бу ўсимликлар бўлган.

«Тарихи жадида-и Тошкент» китобининг муаллифи Муҳаммад Солиҳ ўғли 1830 йилда Тошкентда туғилган. Бу одам ҳам табобатдан хабардор бўлиб доривор ўтларни яхши билган, Тошкентнинг шарқ тарафидаги тоғларни кўп марта кезган. У ўз китобида Тошкент вилоятида ўсадиган доривор ўсимликларнинг хусусиятларини, уларнинг ранглари ва хилларини таърифа-тавсиф этган. Шунингдек, китоб муаллифи тоғларда бўлган конлар ҳақида ҳам маълумотлар беради.

Муҳаммад Солиҳнинг китоби форс тилида (1863 — 1888 йилларда) ёзилган бўлиб, у Тошкент тарихи билан географиясига оид қимматли манба ҳисобланади. Бу китоб Шарқшунослик институтида 11073 номери билан сақланади. Унинг 482—484 бетларида женьшень (ябрух ас-санам) Тошкент тоғларида борлигини ва ўз кўзи билан кўрганлигини ёзган.

Женьшень бўйи 30—50 сантиметрли ўсимлик. У 10 — 11 ёшида гуллайди. Гули кўкиш, оқ, майда. Битта шохида бешта шохча бўлади, меваси оч қизил, буйраксимон, серсув, резавор мева. Қимматли қисми илдизидир. Цилиндрсимон, хушбўй, этли. Юқори қисми йўғонлашган, пастак шохлари якка-якка ўсади. Шакли одамга ўхшайди. Таркибида панаксин, тасфанин, глюкозалар, алколоидлар, витаминлар, ифор мойи, микроэлементлар ва бошқа бирикмалар бор. Бу дорини Абу Али ибн Сино ҳам ишлатган. Қуввати 6 йилгача боради. Юз йилдан ортиқроқ яшаган айрим илдизларининг оғирлиги 200 граммгача бориши мумкин. Илдизлар август-сентябрь ойларида кавлаб олиниб қуритилади ва қуруқ жойда сақланади.

Женьшень ўсимлиги бундан тўрт минг йил муқаддам ҳам маълум бўлган. Шуниси ажабланарлики, бу ажойиб ўсимлик Ер юзининг ҳамма жойида ҳам ўсавермайди. Женьщень Уссурия ўлкасининг тоғлиқ ўрмонларида, жануби-шарқий Манжурияда, Шимолий Корея ва Тибетда учрайди.

**Абдулла НОСИРОВ,**
**Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими.**

**Кекса шарқшунос олим Абдулла Носиров «Тарихи жадида-и Тошкент» китобида Тошкент атрофидаги тоғларда женьшень ўсимлиги бўлгани ҳақида ёзилган маълумотларни келтирган. Биз мақолада айтилган бу фикрларни химия фанлари кандидати, доришунос Маннон Набиевдан шарҳлаб беришни илтимос қилдик.**

## Женьшенми ёки меҳригиёҳ?

**Кўркам табиатимиз ажойиботлар билан тўла. Тошкент атрофидаги тоғларда бир вақтлар «ҳаётбахш» ҳисобланувчи женьшеннинг бўлганлигини бир мўъжиза деб қараш мумкин. Ҳурматли шарқшунос олим Абдулла Носиров Тошкент атрофидаги тоғларда женьшень топилганлиги ҳақида тарихий манбаларни қайд қилиб ўтадилар.**

**Ўрта Осиёда женьшень ўсганлиги ҳақида ўз замонасининг буюк кишилари бўлмиш Абу Райҳон Беруний, Илоқий, Исмоил Журжоний, Чағминий, Амирдавлат асарларида баён этилмайди. Хўжакентлик доришуноснинг икки бор тоғдан топган ўсимлик намунаси ноёб женьшень бўлмай, меҳригиёҳ бўлганлигини тахмин қилиш мумкин. Чунки шарқ халқлари орасида меҳригиёҳ «Ябруҳ», яъни «Одамгиёҳ» деб номланади.**

**Меҳригиёҳ ҳозирда ҳам Ўрта Осиёда учрайди. Мазкур ўсимлик кўпйиллик бўлиб, итузумдошларга мансуб. Унинг «Мандогора оффициналис» ҳамда «Мандогора туркоманика» турларини учратиш мумкин. Дарҳақиқат, меҳригиёҳ ўсимлигининг илдизи баъзан одам шаклини эслатади. Меҳригиёҳ маҳсулотлари қадим замонлардан бери бир қатор хасталикларни даволашда атрофлича қўлланиб келинган. Уни ҳатто ўз даврида Дисқаридус ва Абу Али ибн Синолар хосиятларини санаб ўтишган эди. Ўсимликнинг баъзи таъсиротлари мингдевона ҳамда бангидевонаникига ўхшаб кетади. Меҳригиёҳ ўсимлигининг илдизи, меваси, уруғларидан алкалоид гиосциамин, скополамин ва бошқа доривор моддалар олинган бўлиб, медицина амалиётида бод, беланги, ниқриз касалликларида оғриқсизлантирувчи омил сифатида фойдаланилмоқда.**

**Женьшень эса аралиялар оиласига мансуб бўлиб, ботаник таърифи жиҳатидан меҳригиёҳдан фарқ қилади. Женьшень нафақат Узоқ Шарқда, Тайганинг тоғлик ва салқин жойларида, тоғларнинг шимолий қияликларида, ғовак ва нам тупроқли ерларда табиий ҳолда ўсибгина қолмасдан, маданий равишда Шимолий Кавказ, Украинада (Лубнада) ва Молдавияда махсус иқлимхоналарда ўстирила бошланди. Лекин женьшень мутлоқ ҳолда саҳро ҳамда чўл зоналарида ўсмайди.**

**Шуни ҳам айтиш керакки, узоқ сафар учишида бўлган шом қушлари женьшень резаворини ютиб, миграциясида данагини ташлаб кетиши туфайли, маълум қулай шароитда Тошкент атрофидаги тоғларда униб чиқишини тахмин қилиш ҳам мумкин. Ҳар ҳолда хўжакентлик доришуноснинг учратган ўсимлиги меҳригиёҳ бўлиши воқеликдан ҳоли эмас.**

**Маннон НАБИЕВ,**
**химия фанлари кандидати, доришунос.**

Фарзандларингиз учун

## ҲИЛОЛАНИНГ ЖАВОБИ

— Айтиб бергин Ҳилола,
Сочингда, нечта тола?
У жилмайиб ўйлайди
Сўнгра шундай сўйлайди:
— Сочим толаларини,
Ўзим қандай санайин.
Бошим тута қолайин,
Санасин укам Найим...

Абдусамат ЮНУСОВ.

Келинг, бир кулишайлик

## ХАНДАЛАР

◆ Шеър ўқишни жуда яхши кўрасанми? — сўради меҳмон мезбоннинг шеър ўқиб берган ўғилчасидан.

— Йўқ, нималар деяпсиз,— деди бола соддалик билан,— аммо ойим меҳмонларнинг тезроқ кетишини истаб қолса, менга шеър ўқиттиради.

◆ Бир ёш ёзувчи ўз қўлёзмасини Марк Твенга жўнатди. Қўлёзмани ўқиб чиққан Марк Твен унга шундай жавоб ёзди:

— Ҳурматли жаноб, врачлар кўпинча балиқ ейишни тавсия қилишади, чунки балиқ гўштида фосфор кўп бўлиб, у мия фаолиятини яхшилар экан. Қўлёзмангиздан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, икки-учта ўртача катталикдаги кит гўштини ейиш сизга фойдадан холи бўлмас деб ўйлайман.

◆ — Сен пойгада қандай қилиб биринчи ўринни эгалладинг? Биз сени энг охирида келасан деб ўйлагандик.

— Ўзим ҳам шундай деб ўйлагандим, шунинг учун йўл четига ўтириб бир оз дам олмоқчи бўлдим. Тасодифни қара-ки, келиб-келиб арининг уясига ўтириб олибман.

◆ —Бургомистр сизга шунча яхшилик қилган бўлса ҳам, сиз унинг соатини ўғирлаб қўйибсиз. Хўш, ўғирлаётган пайтингизда нима ҳақида ўйлагандингиз?

— Мен соат олтиндан бўлса керак деб ўйловдим.

◆ Бир журналист Марк Твеннинг олдига келиб деди:

— Жаноб Твен, эшитишимча сиз катта драматик асар устида ишлаётган эмишсиз. Айтинг-чи, ишлар қандай кетаяпти?

— Ҳа, тўғри, —деди Марк Твен, — мен тўрт парда ва уч антрактдан иборат драма устида ишлаяпман. Ҳозиргача учта антрактни ёзиб тугатдим.

◆ —Бугун ҳеч нарса тутолмадим, — деди балиқ овидан қайтган эр.

—Мен буни эрталаб билгандим, —деди хотини, — чунки бугун балиқ сотиладиган магазин ёпиқ бўлади-да.

**Немис тилидан**
**Йўлдош ПАРДАЕВ**
**таржимаси.**

## АЁЛ ЧЕКСА...

**Тамаки никотини аёлларга жуда ёмон таъсир қилади. Чекувчи аёлларнинг юзига ажин тез тушади, сабаби никотин туфайли юз териси тортишиб, табиийлигини йўқотишидир.**

Никотиндан қалқонсимон безлар тез зарарлангани учун чекувчи аёлларда бўқоқ касали аломатлари пайдо бўла бошлайди. Бу ўз навбатида ташқи қиёфага салбий таъсир кўрсатади. Тутун билан ичга ютилган никотин мия қон томирларини аввал кенгайтиради, кейинчалик эса томирларни торайтиради. Ашаддий кашандаларда эса, ана шу қон томирлари аста-секин дағаллашиб, мўртлашиб қолади.

Баъзи кашандалар семириб кетишдан қўрқиб, чекишни ташлашмайди. Тўғри, бу иллатдан халос бўлган кишиларнинг оғирлиги дастлаб орта боради, чунки хуш кайфият, яхши иштаҳа, таъм ва ҳидга бўлган сезгирлик кучаяди. Аммо бундан чўчимаслик керак, бу вақтинчалик ҳолат, холос.

## ҚУЁШ, ШАМОЛ ВА СУВ

Доғистонда қуёш, шамол ва сув энергетика хизматига қўйилди. Гелеоқурилмалар, шамол агрегатлари ҳамда геотермал сув иссиғи ток бермоқда ва уйларни иситмоқда.

Олимлар «Рубас» туристик базасида иссиқлик ҳосил қиладиган гелеоқурилмани монтаж қилдилар. Уни қуришга кетган харажатлар бир мавсумнинг ўзида қопланиб кетди. Турбаза қуёш иссиқлик таъминотига ўтказилиши натижасида йилига 14 тонна ёқилғи тежалади. Бундай агрегатлар бошқа туристик базаларда, баланд тоғлардаги қишлоқлар ва денгиз соҳилида ҳам қурилмоқда. Бу ерда янги объектларни қуришда табиий иссиқликдан фойдаланишни назарда тутиш фойда бўлиб қолди. Масалан, Сулакдаги Ирганай ГЭСИ қурувчилари посёлкасининг бир қисмини қуёш энергияси иситади.

Доғистонда офтобли кунлар кўп бўлади. Қуёш энергиясидан тўлароқ фойдаланиш учун Махачқалъа яқинида СССР Фанлар академияси юксак температура институтининг илмий ишлаб чиқариш базаси—«Солнце» полигони барпо этилмоқда. Бу ерда қуёш энергиясидан фойдаланиб иссиқ сув билан таъминлаш системасининг конструкцияси синаб кўрилади. Шу ерда лаборатория корпуслари, қуёш коллекторлари бўлган уй-жойлар қуриб битказилди.

Полигон территориясида шамол кучидан фойдаланувчи митти электр станция ҳам бор. Ҳозир республикада олтита шундай агрегат ишлаб турибди. Бултур шу агрегатлар 180 минг киловатт соатга яқин электр энергияси ҳосил қилди. Бу кўп эмас, албатта. Лекин шу энергия довонларнинг бирида жойлашган кафе, Каспий балиқ хўжалиги илмий-тадқиқот институти бўлими лабораторияларининг «Согратиль» колхози фермасининг эҳтиёжлари учун кифоя қилади. Тез фурсатда шамол агрегатлари геологларга, олис қишки яйловлардаги чўпонларга, чоғроқ хуторларнинг аҳолисига пухта хизмат қила бошлайди.

Терма сув энергияси тоғли ўлкада энг кўп ишлатилмоқда. Қазилган қудуқларнинг биридан ҳарорати 200 даражадан ошадиган буғ ва қайноқ сув аралашмаси отилди. Мана шу иссиқ артезиан булоқ асосида қуввати 400 минг киловаттдан ошадиган геотэс қуриш лойиҳаланмоқда. У мамлакатимизда шу типдаги энг катта станция бўлади.

Доғистонда термал сув конлари кўп. Табиатнинг шу эҳсони саноатда, қишлоқ хўжалигида, медицинада ишлатилмоқда. Маҳачқалъа, Избербаша, Қизлар шаҳарларидаги 5 мингтадан кўп квартира ва жамоат биноларини «ер ости қозонхоналари» иситмоқда, деб хабар беради ТАСС мухбири.



Кейинги йилларда «Узбекбитпластик» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг тури кўпайиб бормоқда. Корхонада ишлаб чиқарилган турли хил рўзғорбоп буюмлар харидорлар томонидан юқори баҳоланаётир.

СУРАТДА: бирлашманинг оператори Фарида Глязова тайёр маҳсулотларнинг сифатини кўздан кечирмоқда.

ЎзТАГ фотохроникаси.

МАГИСТРАЛЬ

## Қимматга тушган «сайр»лар

Шаҳримиз йўлларида бортига турли-туман ёзувлар туширилган автомобилларни тез-тез учратиш мумкин. Бу ташкилотлар, муассасалар, корхоналар ва махсус хизматларнинг муайян юмушларига мўлжалланган транспорт воситаларидир. Хўш, ҳар доим ҳам мазкур машиналар йўл варақаларида белгиланган ишларни бажармоқдами?

Ўтказилган текширишлар шуни кўрсатмоқдаки айрим раҳбарларнинг беғамлигидан фойдаланган интизомсиз ҳайдовчилар махсус транспортдан фойдаланиш қоидасини қўпол равишда бузмоқдалар.

Идорага қарашли «Медицина хизмати» автомашиналари қандай хизмат кўрсатмоқда? 1-йўл поликлиникаси ихтиёрига берилган «Москвич — 2140» маркали «43-76 ТНА» номерли машина шофёри С. Абрамкин беморларга хизмат кўрсатиш ўрнига мижозларни ташиб, улардан кира ҳақи ундириш билан банд. Ҳайдовчи С. Красний бошқарган «ГАЗ-24» маркали «61-07 ТНА» номерли автомашина ҳам соғлиқни сақлашга хизмат қилади. Ўрта Осиё темир йўлига қарашли йўл поликлиникасига биркитилган бу машина ҳайдовчиси магазинма-магазин юриб, медиклар эҳтиёжига мутлақо алоқаси бўлмаган харидоргир молларни қидириш билан овора бўлмоқда. Ҳолбуки, махсус медицина машиналари айни шу пайтда бемор ҳузурига ошиқаётган шифокорларга сув ва ҳаводек зарур бўлиши мумкин!

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига қарашли автобазанинг «УАЗ-469» маркали «82-62 ТНП» номерли автомашинасининг бортидаги «Қидирув ишлари» ёзуви ҳар қандай кишида беихтиёр ҳурмат туйғусини уйғотади. Бироқ тадқиқот ўтказиш бўйича Сирдарёга командировка қилинган бу машинани Тошкентда учратиб қолишди. Ҳайдовчи А. Воҳидовнинг шаҳарда нима қидираётгани аниқ. У давлат ҳисобидан чўнтак қаппайтириш дардига мубтало бўлиб, киракашлик билан шуғулланмоқда. Ер ости хазинаси кўзини очаётганларга хизмат кўрсатиши лозим бўлган «ЛАЗ-697» маркали «89-89 ТНТ» номерли машина ҳам шаҳардаги савдо магазинлари яқинида вақт ўтказмоқда. Унинг ҳайдовчиси икки дона лампочка харид қилиш мақсадида командировкада бўлиши керак бўлган жойдан Тошкентга келганмиш.

Инспекция ходимлари тунда Ивановолик тўқимачилар кўчасида «УАЗ—469» маркали «39—58 ТНА» номерли автомашинани учратишди. Ҳайдовчи Д. Нурмуҳамедов уйининг рўпарасида нима билан машғул бўлганлиги аниқланмади. «ГАЗ-24» маркали «36-20 ТНА» номерли автомашина шаҳар марказлаштирилган усулда юк ташиш трестининг 2521-автоколоннасига қарашли. У трест бошлиғининг ўринбосари С. Шестаковга биркитилган. Афсуски, ҳайдовчи А. Зазюкин айни иш пайтида машинада киракашлик қилиб юрганда ушланди.

Бундай «сайрлар» пайтида жуда кўп ёнилғи-мойлаш материаллари беҳуда исроф бўлади, давлат транспортининг ишдан чиқиши муддати қисқаради. Шундай экан ўз хизмат бурчига кўра бундай ҳолларга кескин зарба бериши лозим бўлган раҳбарларнинг лоқайдлиги кишини таажжубга солади. Улар эслатилганидан кейин ҳайдовчиларга шунчаки чора кўрган бўлишади. Кўп ўтмай қулоч-қулоч хат ёзиб, «мусичадай беозор» ҳайдовчиларини қанотлари остига олишади, рўй бераётган тартибсизликларни кўрмагандай бўлишади.

Шу йил биринчи мартдан «Ўзбекистон ССРнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида»ги Кодекси кучга кирди. Унда давлат транспортидан белгиланмаган мақсадларда фойдаланган ҳайдовчиларга ва бунга йўл қўйган мансабдор шахсларга тегишли маъмурий таъсир чоралари кўриш белгилаб қўйилган. Ўйлаймизки, давлат ҳисобига иш бажариш ишқибозлари бундан тўғри хулоса чиқариб оладилар.

**Ғ. БОЛТАБОЕВ,**
**Тошкент шаҳар Давлат автомобиль инспекцияси бошқармасининг катта инструктори, милиция катта лейтенанти.**



## ҲУШЁРЛИК ЖОНКУЯРЛАРИ

**Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш учун курашда Тошкент Давлат автомобиль инспекцияси бошқармаси ходимлари билан бир қаторда турли касб эгалари ҳам фаол қатнашмоқдалар.**

**Ўтган йили ҳаракат хавфсизлигини таъминлашни кучайтириш мақсадида комплекс бригада ташкил этилганди. Бригада йўлларда ҳайдовчи ва йўловчилар ҳаракат қоидаларига қандай амал қилаётганликларини қатъий назорат қилмоқда. У транспорт воситаларини маст ҳолда бошқараётган қоидабузарларни аниқламоқда.**

**Бригада носоз транспорт воситаларини бошқараётган, атроф-муҳитни ифлослашга йўл қўяётган ҳайдовчиларга ҳам қаттиқ чоралар белгиламоқда. Ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда жамоатчи автоинспекторлар ҳам катта хизмат қилмоқдалар. Суратда (чапдан иккинчи) 3-автопарк ҳайдовчиси, махсус дружина аъзоси Ф. Абдуллаев кўрсатма олмоқда.**

**Транспорт воситаларини маст ҳолда бошқараётган қоидабузарларни аниқлашда наркологларнинг хизмати катта. Шаҳар наркология диспансерининг мутахассис ходими, психиатр М. Отахонов ҳайдовчини синовдан ўтказяпти.**

**А. ЭРНАЗАРОВ.**
**Т. Каримов фотолари.**



## ТЎҒРИ ТОПИШДИ

Биз бугун ҳам «Тошкент оқшоми»нинг 1986 йил 19 февраль сонида эълон қилинган топшириққа тўғри жавоб йўллаганларнинг исм ва фамилияларини айтиб ўтмоқчимиз. А. Бобоев, Б. Қурбонов, Ю. Бозорбоев, А. Турдиев, Р. Йўлдошев, Л. Туламетова, А. Тангиров, Ш. Тоғаев, Х. Нажимов, Ғ. Муродов, З. Камолиддинова, А. Абдукаримов, Ё. Низомов, Ш. Жўраева, М. Назарматов, Ж. Авазмуродов, Д. Тўлаганов, С. Юсупов, И. Кўчкинов, Ш. Имомова, Ш. Тўхтаев, Н. Эргашев, М. Усмонова, А. Солиҳов, М. Турсунов, А. Каримов, А. Юсупов, К. Курбоновлар масалани тўғри ечишган. Улар таъкидлаганларидек, биринчи белги чапга бурилишни тақиқламайди.




## БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

**Автомобилнинг бир томонга суриб кетиши (занос) натижасида хавфли оқибатларга йўл қўймаслик учун ҳайдовчи:**

**1. Тормоз тепкисини кескин босиши керак.**

**2. Сцепление механизмини ажратиб қўйиши керак.**

**3. Бошланган тормозлашни тўхтатиши керак.**

**Хавфсизликни таъминлаш учун қайси талабни бажариш ўринли деб ўйлайсиз!**

**ЭСЛАТМА: «Магистраль» туркум материаллари рубрикаси остида эълон қилинаётган топшириқларни ечишда фаол қатнашган ва тўғри ҳал қилган газетхонлар йил охирида «Тошкент оқшоми» газета редакцияси ва Тошкент шаҳар Давлат автомобиль инспекцияси бошқармасининг махсус совғаси билан тақдирланади. Сизларга омад тилаймиз ва хатларингизни кутамиз.**

